



СЎРОҚ ҚИЛИШ ТЕРГОВ ҲАРАКАТИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИНИ ДАЛИЛ ТЎПЛАШДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Турдиев Лазиз Зарифович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Жиноят-процессуал
ҳуқуқи кафедраси доценти, доцент
<https://doi.org/10.5281/zenodo.11523544>

ARTICLE INFO

Received: 01st June 2024

Accepted: 03th June 2024

Published: 06th June 2024

KEYWORDS

Сўроқ қилиш, сўроқ қилиш
жойи, сўроққа чақириш,
далил тўплаш, исбот қилиш,
тергов, терговга қадар
текширув.

ABSTRACT

*Сўроқ қилиш тергов ҳаракатни ўтказиш тартиби
жиноят-процессуал қонун нормалари билан
тартибга солиниши билан бирга, ушбу тергов
ҳаракати далил тўплашда муҳим аҳамиятга эга.
Сўроқ қилиш тергов ҳаракатини ўтказиш
тартибининг ҳозирги ҳолати юзасидан айрим
фикрларни асослантириш.*

Бугунги кунда суд ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохатлар натижасида шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилиш давлатимизнинг энг олий мақсадига айланиб бормоқда. Жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида[1] далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашда, яъни исбот қилишда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилиши мустахкамланган. Далилларни тўплаш исбот қилишнинг мустақил элементларидан бири бўлиб, суриштирувчи, терговчилар томонидан жиноятларни тергов қилиш жараёнидан айбдорларни фош этиш мақсадида амалга ошириладиган мураккаб жараён ҳисобланади. Бугунги кунда суд-тергов амалиётида далилларни тўплаш жараёнлари тергов ҳаракатлари орқали амалга оширилади ва иш юзасидан қонуний қарорлар қабул қилинади. Жиноят-процессуал қонунчиликда далилларни тўплаш жараёнида ўтказиладиган тергов ҳаракатлари тизими аниқ мустахкамлаб қуйилган. Улардан бири сўроқ қилишдир. Сўроқ қилиш жиноят ишлари тергов қилишда кенг тарқалган тергов ҳаракати бўлиб, жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун муҳим бўлган фактлар ва ҳолатлар тўғрисидаги кўрсатувларни шахсдан (гумон қилинувчи, айбланувчи, гувоҳ, жабрланувчи, эксперт, мутахассис, ҳолис) олиш ва белгиланган процессуал шаклда қайд этишдан иборат. Ушбу тергов ҳаракати далилларни тўплашда муҳим аҳамият касб этади. Сўроқ қилиш тергов ҳаракати жиноят процессуал қонун талабларига асосан жиноят иши қўзғатилгандан сўнг суриштирувчи, терговчи томонидан ўтказилади. Сўроқ қилиш тергов ҳаракатини ўтказиш натижасида тўпланган далиллар кейинги тергов ҳаракатларини ўтказиш учун асос бўлади ва далилларни тўплашда муҳим аҳамият касб этади. Сўроқ қилиш тергов

ҳаракатини ўтказишнинг процессуал тартиби ЖПКда белгиланган. Бугунги кунга келиб сўроқ қилиш тартибига оид ЖПКда белгиланган тартиб қоидаларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ. Далил тўплаш ҳам маълум бир жараёнлардан бошланади. Аксарият жиноятлар содир этилганда далил тўплаш ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказиш орқали тўплансада, баъзи турдаги жиноятлар содир этилганда дастлаб жиноят иши кўзғатилгандан сўнг сўроқ қилиш тергов ҳаракатини ўтказиш орқали далиллар тўпланади. Сўроқ қилишда нафақат суриштирувчи, терговчи балки сўроқ қилинадиган процессуал мақомга эга бўлган иштирокчи ҳам жиноят ишига алоқадар бўлган ўзидаги маълумотларни тақдим этади. Сўроқ қилиш тергов ҳаракатини ўтказиш тартиби ЖПКда белгиланган бўлиб, ушбу тартибга риоя қилиш сўроқ қилиш натижасида тўпланган далиллар мақбуллигини таъминлайди. Ушбу тартиб қоидаларга суриштирувчи, терговчи тўлиқ риоя қилиши лозим. Далил тўплашда сўроқ қилиш тергов ҳаракатининг муҳимлигини инобатга олиб бугунги қонунчиликдаги сўроқ қилиш учун белгиланган тартиб қоидаларга тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. ЖПКда сўроқ қилиш учун асослар, сўроқ қилиш тушунчаси тўлиқ норма билан асослантирилмаганлиги бугунги кунда ушбу тергов ҳаракатини тартибини такомиллаштиришга зарурат мавжуд эканлигини кўрсатади. Сўроқ қилиш асослари ЖПКнинг сўроқ қилиш қоидаларида акс эттирилмаган. Сўроқ қилиш асослари сўроқ қилиш қоидаларида аниқ тушунчалар билан акс эттирилиши лозим. Унга кўра суриштирувчи ва терговчи томонидан ишга жалб қилиш юзасидан қарор чиқарилган жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи ва иш учун аҳамиятли бўлган маълумотларга эга бўлган ҳар қандай шахс гувоҳ, мутахассис, эксперт, холис тариқасида сўроқ қилиниши лозим. Сўроқ қилиш тушунчаси бўйича бугунги кунда олимлар ўртасида турли хил қарашлар мавжуд бўлиб, ҳозирги кунга қадар тортушувларга сабаб бўлмоқда. Сўроқ қилиш тушунчаси бўйича турли хил олимлар куйидаги фикрларни бирлдирган. Жумладан Н.И.Порубов сўроқ қилиш деганда, “Тергов органи ёки суд томонидан процессуал қонун ҳужжатларида белгиланган қоидаларга мувофиқ сўроқ қилинаётган шахсдан ўзига маълум бўлган ҳолатлар юзасидан ишда далил сифатида фойдаланиш учун кўрсатма олишдан иборат бўлган тергов ва суд ҳаракати тушунилади”[2] деб фикр билдирган. Бундан ташқари О.Я.Баевнинг фикрича, “Сўроқ қилиш тергов қилинаётган жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун муҳим бўлган фактлар ва ҳолатлар тўғрисида далилларни шахсдан олиш ва белгиланган процессуал шаклда қайд этишдан иборат бўлган ҳаракат тушунилади”[3] деб фикр билдирган. Юқоридаги олимлар томонидан билдирилган фикрларга қисман қўшилган ҳолда сўроқ қилишга куйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ.

Сўроқ қилиш деганда суриштирувчи, терговчи, суд томонидан қонунда белгиланган тартибга асосан ишга жалб қилинган шахслардан уларни ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтирган ҳолда жиноятга оид маълумотларни олиш ва натижаларини расмийлаштиришга қаратилган ҳаракат тушунилади.

Суриштирувчи ва терговчи томонидан жиноят ишларини тергов қилишда сўроқ қилиш энг муҳим тергов ҳаракати бўлиб, ушбу тергов ҳаракати исбот қилишда кенг тарқалган тергов ҳаракати ҳисобланади. ЖПКнинг 96-108-моддаларида сўроқ қилишнинг умумий қоидалари белгиланган. Суриштирувчи, терговчи сўроқ қилишда

ушбу қоидаларга риоя қилиши сўроқ қилиш натижасида олинган далилларнинг иш учун аҳамиятли бўлишини кафолати ҳисобланади. Сўроқ қилиш тергов ҳаракатини ўтказиётган суриштирувчи, терговчи ушбу қоидаларга оғишмай риоя қилиши лозим. Сўроқ қилиш натижасида суриштирувчи иш учун аҳамиятли бўлган маълумотларни аниқлаши ва уларни ишга алоқадорлиги масаласини ҳал қилиши лозим. Бу эса сўроқ қилишнинг умумий қоидаларига боғлиқ.

Сўроқ қилиш тергов ҳаракати иш учун аҳамиятли далилларни тўплаш ва текшириш воситаси бўлиб ҳисобланади. Сўроқ қилиш тергов ҳаракатини ўтказиш асослари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал кодексининг 96-114-моддаларида белгилаб қўйилган[4]. Суриштирувчи ва терговчи сўроқ қилишда ушбу моддалар қоидаларга риоя қилиб тергов ҳаракатини ўтказиши, ушбу қоидаларга риоя қилинмаган ҳолда ўтказилиши унинг процессуал аҳамиятини йўқолиши ҳамда тўпланган ва текширилган далилларнинг номақбул бўлишига олиб келади. Сўроқ қилиш тергов ҳаракатини ўтказиш асослари ва тартибини ЖПКда белгиланган бўлсада лекин ушбу тергов ҳаракатини ўтказиш асослари ва тартиби ўзгартишлар киритиш мақсадга мувофиқ.

Бугунги кунда сўроқ қилишнинг умумий қоидалари ЖПКда белгиланган бўлиб улар қуйидагилар ҳисобланади.

Биринчиси сўроқ қилиш жойи бўлиб, ишни судга қадар юритиш босқичида ЖПКда суриштирувчи, терговчи гувоҳни, жабрланувчини, гумон қилинувчини ва айбланувчини суриштирув, дастлабки тергов ўтказиладиган жойда ёки сўроқ қилинувчи қаерда бўлса ўша жойда сўроқ қилиниши белгиланган. Ушбу қоида ҳам аниқ тушунча билан мустахкамланмаган. Суриштирув ва дастлабки тергов ўтказиладиган жой аниқ бўлиб, суриштирувчи, терговчининг чақирувига биноан сўроқ қилинувчи келиши ва тергов ҳаракатида иштирок этиши лозимлиги мустахкамланган. Сўроқ қилинувчи қаерда бўлса ўша жойда деган қоида бир қанча тушунмовчиликларни келтириб чиқаради. Сабаби сўроқ қилиш учун шахснинг қаердалиги аниқланган бўлиши ва у сўроққа чақирилиши лозим. Сўроқ қилинувчи қаерда бўлиши билан боғлиқ қоида қонунда аниқ кўрсатилиши шарт. Шу муносабат билан ЖПКнинг 96-моддаси қуйидагича баён қилиниши лозим.

Суриштирувчи ёки терговчи гувоҳни, жабрланувчини, гумон қилинувчини ва айбланувчини суриштирув, дастлабки тергов ўтказиладиган жойда ёки сўроқ қилинувчи чақирувга биноан келишнинг имконияти бўлмаган ҳолларда у қаерда бўлса, ўша жойда, суд эса суд муҳокамаси юритилаётган жойда сўроқ қилади.

Ушбу турдаги тергов ҳаракатини ўтказишда сўроқ қилиш жойини танлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Кўп ҳолатларда сўроқ қилиш суриштирувчи ва терговчини хизмат хонасида ўтказилади. Ушбу жойлар сўроқ қилишнинг самарали натижа билан тугашига хизмат қилади. Сўроқ қилиш жойини танлаш масалани ҳал қилишда ҳам сўроқ қилинувчи шахснинг ҳолатидан келиб чиқиб танланиши мақсадга мувофиқдир. Сўроқ қилинувчининг процессуал мақомини инобатга олган ҳолда суриштирувчи терговчи томонидан сўроқ қилиш жойи танлаш масаласи ҳал қилиниши лозим. Аксарият ҳолларда сўроқ қилиш жой сифатида тергов хонаси танланади терговчи, суриштирувчининг хизмат хонаси ноқўлайликларни келтириб чиқаради, чунки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органининг муҳити психологик алоқа ўрнатишни

қийинлаштириши, айниқса вояга етмаган шахснинг интеллектуал фаоллигини сусайтириши мумкин[5]. Вояга етмаган гувоҳлар ва жабрланувчи сўроқ қилиш учун ҳуқуқни муҳофаза қиливчи органлар биноларида алоҳида хоналар ташкил қилинган бўлсада уларни ушбу хоналарда сўроқ қилиш вояга етмаган сўроқ қилинувчининг рухий ҳотига салбий таъсир ўтказади. Уларда қўрқув, уялиш, ҳаяжонланиш ҳолатлари вужудга келади. Бу эса сўроқ қилиш самарадорлигига салбий таъсир ўтказади. Шунинг учун уларни мактабгача таълим муассасаларида, мактабларда, леций ва коллежлардаги ўқув хоналарида сўроқ қилиш тартиби қонунчилик нормалари билан мустаҳкамлаб қуйиш мақсадга мувофиқ. Қамоқ эҳтиёт чораси қўлланилган шахсларни сўроқ қилиш техник воситалаб билан жиҳозланган алоҳида хоналарда ўтказилиши, ушбу хоналар хавсизлик талабларига тўлиқ жавоб бериши, хоналар шинам, ёруғ ва барча анжомлар билан тўлиқ жиҳозланган бўлиши лозим. Ҳар бир ҳуқуқни муҳофаза қиливчи органнинг биносида ана шундай талабларга жавоб берадиган хоналарни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ. Шу билан бирга ишга жалб қилинган шахслар шифохонада даволанаётган бўлса уларни шифохонада сўроқ қилишнинг процессуал тартиби ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Сўроқ қилинаётган шахснинг процессуал мақоми, ёши, жинси, соғлигининг ҳолати, маълумоти, миллати, судланганли ёки судланмаганлиги ижтимоий ва ахлоқий хусусиятлари, бир фаолият тури билан бандлиги, ишсизлиги, темпераменти, психологик хусусиятлари тергов ҳаракати учун муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга сўроқ қилинаётган процессуал мақомга эга бўлган шахсдан жиноятга алоқадор маълумотларни олиш нафақат сўроқ қилинувчига балки ушбу тергов ҳаракатини ўтказиётган суриштирувчи, терговчининг ўзининг тутуши, сўроқ қилинувчи билан муомала қилиши, унинг ёшидан келиб чиқиб уни хурмат қилиши, унга ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлган ёки уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи хатти-ҳаракатлар содир қилмаслиги, зўрлик, пўписа қилиш, алдаш ва қонунга хилоф бошқа йўллар билан кўрсатув олишдан ўзини тийиши ва сўроқ қилинувчининг ҳимояга бўлган ҳуқуқларини тўлиқ таъминлаши шарт. Терговчи ва суриштирувчи сўроқ тергов ҳаракатини ўтказишда ЖПКда ўрнатилган тартибга тўриқ риоя қилиши ва сўроқ қилинувчи билан муносабатга киришишида одоб ахлоқ қоидаларига тўлиқ риоя қилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги “Судтергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6041-сон Фармони <https://lex.uz/docs/49394672>.
2. И.И. Гусева Собираание доказательств на стадии возбуждения уголовного дела: реальность и перспективы// Вестник Владимирского юридического института. 2006. С. 30-32.
3. О. Я. Баев Тактика следственных действий: учеб. пособие. Воронеж: Изд-во Воронежского университета 2013. 456 с
4. Н. И. Порубов Допрос в советском уголовном процессе и криминалистике. Минск: Вышэйш. школа, 1968. 368 с

5. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси
<https://www.lex.uz/docs/111460#253838>
6. Ф. О. Гончаренко Тактика проведения допроса несовершеннолетних подозреваемых, обвиняемых// Обществознание и социальная психология. 2022. С. 846–853
7. С.А. Лушкин Собираение доказательств как способ проверки доказательств// Бизнес в законе. 2013. С. 69-71.



INNOVATIVE
ACADEMY